

# **МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИХОР – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР**

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг  
йигирма тўрт йиллиги муносабати билан**

**Тоҳир ҚУРБОНОВ,  
Фалсафа фанлари номзоди, доцент**

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Бу йиллар давомида одамлар ҳаётида ҳам, дунёқарашида ҳам, тафаккурида ҳам, турмуш тарзида ҳам, юртимиз тарихида ҳам жуда катта ўзгаришлар даври бўлди. Жамиятимиз қиёфаси бутунлай янгича мазмун касб этди. Бу эса, одамларда янгича яшаш тарзини вужудга келтирди. Янгича яшаш тарзи эса бевосита онг ва тафаккуримизнинг ўзгаришига, ҳаётга янгича қарашга замин яратди.

Мустақиллик куни биз учун энг улуғ, энг азиз энг мўътабар ва ардоқли байрам сифатида нишонланади. Аммо бу йилги байрамнинг алоҳида мазмуни, аҳамияти бор. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, “... Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш” зарурлиги ифодаланади. Бу эса, Ватан билан фахрланиш, ифтихор этиш, киндик қони тўкилган муқаддас замин билан ғурурланиш, инсоннинг энг мўътабар инсоний фазилатларининг чўққиси, айна пайтда ноёб ва муқаддас миллий ғурур туйғусини шакллантиради. Шу йили

Президентимизнинг Қашқадарёга ташрифи муносабати билан учрашувларда эътироф этганларидек, “... ватанимиз ривожланишида ҳисса қўшишимиз бизга **ғурур ва ифтихор уйғотади. Ғурур ва ифтихор нима учун керак-?,** яшаш учун керак. Ўзбекларга бир ибора бор “Бошингни баланд кўтариб юришга болам ҳақкин бор” деб гапирамиз. Бу даъватларни амалга ошириш учун биз мустақилликнинг 24 йиллигига нималар қилишимиз керак эканлигини тушуниб олишимиз зарур”. Бу даъватни ёшларга тушунтиришда энг аввало, миллий ғурур тушунчасининг методологик асосларини англаб олиш зарур бўлади.

Миллий ғурур - Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат, бир сўз билан айтганда, ватанпарварликда намоён бўлади. Миллий ғурури балқиб турган киши учун дунёда ўз Ватанидан, ватандошларидан азиз, мўътабар қудратнинг ўзи йўқ. Президентимиз И.А.Каримов ёзганидек: «Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдиэлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-ориға, чуқур эҳтиромиға, инсоннинг шахсий виждониға, бурчға ва ўз сўэиға содиқлиғиға бориб тақалади. Кишилари-мизнинг ватанпарварлиғи ҳамма вақт севимли халқнинг шон-шарафи, кадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатида ўз ифодасини топиб келди». (И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Том 1.-Т.: Ўзбекистон.- 1996.- 84 б. )

Миллий ғурур инсонни ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган қишлоқ ёки шаҳар, ота-боболари, аждод ва авлодларининг масканини улуғлашда, ота-онаси, ака-укалари, хешу-ақробаларини эъэозлашда, юртнинг ўтмиши, бугуни, келажағи билан фахрланишда ўз аксини топади. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимизда янги жамият қурилайётган бугунги шароитда «Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак... Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келайётган Ватанға муҳаббат туйғуси, фарзандларимизға бугуни ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодға, чинакам ақидаға айланиши лозим...»

(И.А.Каримов. Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. // Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. Том 3.-Т.: Ўзбекистон, 1996.- 82 б.)

Миллий ғурур - бу Ватанни севиш ҳақидаги баландпарвоз гаплар, чақириқлар, шиорлар эмас, балки ҳақиқий ватанпарварлик, эл-юртнинг порлоқ келажаги учун, Ватан, халқ, миллат фаровонлиги йўлида чинакамига ҳалол меҳнат қилишдир. Она заминни чин дилдан севмоқ, унинг манфаати йўлида бутун билим, қобилият, куч-қувватини сафарбар қилмоқ ватанпарварлик аломатидир. Худди шунинг учун ҳам ватанпарварлик юксак эътиқод, Ватан ва миллат олдидаги масъулият, юксак бурчни англашдир. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган «Ватанни севмоқ иймондандир», - деган ҳадис замирида ҳам худди шундай мазмун мужассам.

Миллийликдан ажралган, миллий ўзлигини англаш жараёнидан ташқарида турадиган ватанпарварлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ватанпарварлик туйғуси инсоният босиб ўтган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида қарор топади ва ривожланиб боради. Ватанпарварлик туйғуси миллий жипслашиш ҳаракатида янада яққолроқ намоён бўлади. Миллий жипслашиш ҳаракати XX асрнинг охирида жаҳоннинг кўп мамлакатларида, айниқса мустамлакачилик занжири билан занжирбанд қилинган халқлар орасига кенгроқ ёйилди. У мустамлакачилик асоратидан қочиб, бошқа мамлакатларда яшаётган эмигрантлар орасида тобора кучайиб бораётир. Бундай тенденциянинг вужудга келиши табиий бир ҳолдир. Чунки ҳар қандай инсон турмуш тақозоси билан киндик қони тўкилган тупроқни эмас, балки азалий, миллий илдизи униб-ўсган заминни ота-макон юртим, Ватаним дейди. Хорижда яшаётган ўзбекларнинг Ватан дея энтикишлари, дил изҳорлари, ёш туркистонликларнинг биринчи Тошкент халқаро учрашувларида ўқилган маърузалар, шеърлар фикримизнинг далилидир. Муҳожирликда яшашга мажбур бўлган юртдошларимиз хору зорликдан эмас, балки ғарибликдан, Ватан дийдорига интизорликдан чексиз азоб чекишган. Бундай кайфиятни Олмонияда яшовчи ватандошимиз Исмоил Минхожининг дард ва алам билан ёзилган мактубида яққол кўришимиз

мумкин: «Инсон қаерда бўлмасин, қорин тўйдириш учун бир парча нон кифоя. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди! Чет элларда юрган одамга ана шу азиз Ватан етишмайди! Бундай одам руҳан эзилган бўлади, уни ҳеч нарса қизиқтирмайди ва кўнглини ҳеч нарса кўтара олмайди. Инсон элидан, халқидан айрилса, тирик мурдага айланади. Бу ҳақ гап. Одам боласини руҳан кўтарувчи, қўллаб-қувватловчи Ватан экан. Зотан, бахт Ватандир. Юнон афсонасида туғёнидан айрилган от жафо чеккани каби инсон ҳам элидан айрилса, ундан беш баттар ҳолга тушади. Бизнинг жисмимиз чет элларда-ю, лекин юракларимиз Ватанда, қалбимизда Ватан меҳри сўнгани йўқ» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986.- 24 октябрь).

Инсон учун на давлат, на салтанат, на тожу-тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенглаша олмайди. Ватандан жудолик-инсон учун энг катта бахтсизликдир. Ғурбатда, ғарибликда инсон ҳеч қачон ўзини шод, бахтиёр дея олмайди. Ватандан айрилиқда яшаган, ўзининг бутун борлиғи, тану-жонини миллатига бахшида этган кишиларни тоталитар тузум мафкуриси «Ватан хоинлари», «Ватан гадолари» деб атади. Улар фаолиятини қораловчи минглаб рисоалар, мақолалар ёзилди. Шундай бўлишига қарамасдан она Ватан тупроғидан бенасиб бўлиб, хорижда макон топган минглаб кишилар сўнгги нафасларигача ўз Ватанларини қўмсаб, унга талпиниб, интилиб яшадилар. «Ўзга юртларда еб-ичиш, кийиниш ва илм олишдан камчилигим бўлмаса-да, - деб ёзади Бухоро Шўролар ҳокимиятининг раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг ўғли, ҳозир Олмониянинг Мюнхен шаҳрида яшовчи, профессор Темурхўжа, - отамдан эшитганим Туркистон деган юртга боришни қирқ уч йил кутдим. Шу тупроққа меҳр қўйдим, ҳамиша ёдимда, юрагимнинг тубида олиб юрдим. Отамнинг туйғулари, азоблари менга кўчди. Вафотларидан олдин ёнларига чақириб: «Мен сенга банкда пул, шоҳона қасрлар, ҳосилдор ерлар қолдираётганим йўқ, сени суяйдиган ака-ука ҳам қолдира олмадим. Фақат ҳамиша ёдингда тутишинг учун Ватан ҳасратини қолдирдим», - деган эдилар. Отамнинг васиятини эшитган онимдан бошлаб мен қайта Ватанлик бўлдим.

Ватан менинг ичимда...» (Ватан дея ватансиз ўтдик. Мюнхенлик Темирхўжа билан учрашув таассуротлари. Ражаббой Ота- турк суҳбати. // Халқ сўзи.- 1991.- 25 январь).

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ватанпарварлик туйғуси фақат Ўзбекистонда яшовчи кишиларда эмас, балки ундан узоқда - хорижда яшовчи ватандошларимизда ҳам мавжуд бўлади. Худди шунинг учун ҳам хорижда яшовчи ватандошларимиз Ўзбекистонни озод, эркин, мустақил давлат бўлишини узоқ кутдилар.

Мустақиллик туфайли одамларда ватанпарварлик туйғуси янада мустаҳкамланмоқда, янгича маъно, янгича мазмунга эга бўлмоқда. Ватанпарварлик энди сиёсат, мафкура асосида қурилган, миллий ғурурдан йироқ, аллақандай мавҳум ҳис-туйғу эмас, балки кишилар онги ва фаолиятида яққол намоён бўлувчи миллий маданият белгиси, аломатидир. «Бугун Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси десак, асло янглишмаган бўламиз» (Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. // Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Том 1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.- 105 б.)

Ўзбекистон фақат ўзбеклар учун эмас, балки мамлакатимизда яшаб турган бошқа миллат ва элат кишилари учун ҳам ватандир. Ватанни севмоқ, эъзозламоқ, қонун-қоидаларини муқаддас билмоқ ҳар бир фуқаро учун миллатидан қатъий назар ҳам фарз, ҳам қарздир. Худди шунинг учун ватанпарварлик бошқа халқлар ва миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг ютуқлари, маданияти, фани, техникасидан самарали фойдаланиш демакдир. Ҳақиқий ватанпарварлик - миллат, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқ-боли, манфаати йўлида меҳнат қилиш, курашишдир. Худди шунинг учун ҳам Ватан манфаати йўлида фидойилик қилган кишиларни халқ ҳам, тарих ҳам ҳеч қачон унутмайди.

Инсонда ватанпарварлик туйғуси жамият тараққиётига қараб ўзгариб туради. Негаки кишилар тинчлик, фаровонлик даврларида кўпинча Ватан ҳақида камроқ ўйлайдилар. Ватан, миллат бошига бирор оғир мусибат

тушганда кишиларда ватанпарварлик туйғуси яққолроқ намоён бўлади. Ўзбек халқидаги бундай ўзига хос хусусиятга тарих бир неча бор гувоҳ бўлган. Ривоят қилишларича, Ўғизхоннинг кучли рақибларидан бири унга қарши уруш бошламоқ учун турли-туман талаблар қўя бошлаган. Чунончи, ундан энг яхши кўрган тулпорни сўраган. Хон беҳуда қон тўкилмаслиги учун яхши кўрган арғумоғидан воз кечади. Кўп ўтмасдан қўшни мамлакат ҳукмдори Ўғизхонни жиғига тегиш мақсадида, икки давлат ўртасидаги можароларни янада кескинлаштирмоқ учун, ундан яхши кўрган хотинларидан бирини беришни сўрайди. Мамлакат оқсоқоллари Ўғизхондан қўшни мамлакатнинг сурбет хонига қарши уруш бошлашни талаб қиладилар. Лекин Ўғизхон беҳудага қон тўккандан кўра гўзал маликадан воз кечишни афзал кўради. Ниҳоят рақиб Ўғизхон давлатига қарашли экинсиз ўрмонни, бир парча ерни инъом этишни сўрайди. Оқсоқоллар Ўғизхонга ерни қўшни мамлакат хонига беришни маслаҳат берадилар. Шунда Ўғизхон қуйидаги сўзларни айтган: «Ватан бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундан бўёғига уруш қилажакмиз. Энди мен отимни душман томон сураман». (Ўғизхондан қолган мулк.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.- 125 б.). Ўғизхон шундай деб душманга қарши юриш бошлайди ва ғалаба қилади.

Миллий ғурур инсонпарварлик билан уйғунлашиб кетади. Ўзбекона миллий ғурур бошқа миллатлар, элатларнинг миллий ғуруридан ўзининг инсонпарварлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекнинг инсонпарварлиги кексаларга, улуғларга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, бечора, ғариб, мискинларга, етимларга хайр-саховат, ота-онанинг кўнглига қараб иш тутиш, дўстларга, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш, бошга ташвиш тушганда ғамхўр, мададкор бўлиш, топганини яхшиликка сарфлаш каби миллий қадриятларимизда равшанроқ кўринади.

Давлатимиз мустақиллиги фуқаролар онги ва дунёқарашининг теранлиги, миллий ғурури, фуқаролик ифтихори юксак даражада шаклланганлигига боғлиқдир. Мустақиллик ҳар биримизни тарих билан мустаҳкам боғлаб, абадиятга дахлдорлик имкониятини яратмоқда. Бугунги кунда ана шу улкан ва ноёб имкониятдан унумлироқ фойдаланишимиз керак. Миллий ғурур, фуқаролик ифтихори ана шундай дақиқаларда биз куч ва қудрат манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.